

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИДОВА ЮЛДУЗ ҚОБИЛОВНА

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ШАХС: ТЕЛЕЯНГИЛИКЛАРДА
БОШЛОВЧИНИНГ ЎРНИ (ИЖТИМОЙ ВАЗИЯТ, ЖУРНАЛИСТ
ПОЗИЦИЯСИ ВА МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Зоҳидова Юлдуз Қобиловна

Телевидение ва шахс: телеянгиларда бошловчининг ўрни (ижтимоий
вазият, журналист позицияси ва маҳорат масалалари).....3

Заҳидова Юлдуз Кабиловна

Телевидение и личность: роль ведущего в теленовостях (социальная
ситуация, позиция и мастерство журналиста).....27

Zakhidova Yulduz Kabilovna

TV and individual: the role of TV anchor in information programs (social situation,
skill and position of a journalist)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИДОВА ЮЛДУЗ ҚОБИЛОВНА

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ШАХС: ТЕЛЕЯНГИЛИКЛАРДА
БОШЛОВЧИНИНГ ЎРНИ (ИЖТИМОЙ ВАЗИЯТ, ЖУРНАЛИСТ
ПОЗИЦИЯСИ ВА МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzjokki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мўминов Файзулла Абдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Маматова Якутхон Мухамаджонова
филология фанлари доктори, профессор в.б.

Ҳайитов Шухрат Мойлиевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «5» Июнь соат 10:45 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100017, Ташкент шаҳри, Марказ – 5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил: 100017, Ташкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» Март куни тарқатилди.
(2021 йил «11» Март даги 9 рақамли реестр баённомаси).




Ф.А. Мўминов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор


Н.Ф. Муратова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, филология фанлари номзоди, доцент


Қ.Т. Ирнараров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги глобаллашув жараёнида жаҳон мамлакатларида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида турли ахборот воситалари орқали тез фурсатда хабардор бўлиш мумкин. Телевидение халқаро аудиториянинг маълумотга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий телеэкран орқали томошабин янгилик ёки хабарни эшитиш ҳамда ундаги жараённи кўриш имкониятига эга бўлади. Дунёнинг бир қанча давлатларида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра, телеянгиликлар инсониятнинг етмиш фоизи учун асосий маълумот манбаи сифатида хизмат қилади.¹ Бу эса ахборот дастурлари бош муҳаррирлари, жамоада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, жумладан, бошловчига жиддий масъулият юклайди. Ахборотни тезкор ва ишончли етказиш, томошабин дунёқарашини шакллантириш, телеянгиликлар дастурининг оммабоплик даражасини таъминлаш ва визуал яхлитликни ҳосил қилишда етакчилардан бири айнан телебошловчи саналади. У кўрсатувда видеолавҳаларни таништириш билан чекланмай, томошабинлар эътиборини ўзига тортиш орқали кадрдаги хатти-ҳаракати субъективлашади ва шунда воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ривожини экранда намоён бўлади.

Кейинги пайтларда телебошловчининг жамиятга таъсири, аудитория фикрини шаллантиришдаги роли, телевизион имижини масалалари дунё олимлари назарида бўлиб келмоқда. Шу билан бирга жаҳонда телевизион янгиликлар дастурлари сонининг ортиши натижасида бошловчиларнинг ўрни, ахборот тарқатиш тизимидаги позицияси борасида илмий баҳс-мунозаралар юзага келаяпти. Қолаверса, ижодкорларнинг вазифаси мураккаблашиб, ўз дастурига имкон қадар кўпроқ томошабинни жалб қилиш устида илмий-ижодий изланишларига тўғри келмоқда. АҚШ телевидение соҳасидаги авторитетларнинг фикрича, муваффақиятли янгиликлар дастурининг барча омиллари умумий 10 баллни ташкил қилса, бошловчи омили эса шундан 8 баллни эгаллайди.²

Ўзбекистонда аҳолига турли соҳалардаги ўзгаришлар ва уларнинг моҳияти ҳақида тезкор ва холис тўлиқ ахборот етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари «тўртинчи ҳокимият» вакиллариининг мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари кераклиги борасида шундай таъкидлайди: «Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамisha ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман».³ Телевизион ахборот, рекреатив ва маданий-маърифий

¹ Смирнова Е. Зарубежные аудиовизуальные СМИ. — Минск, Белорусский государственный университет, 2017. — С. 31.

² Дэйжэн С. Звезды телевидения нашего века. — М: университет Фудань, 2002. — С. 98.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>. Мурожаат қилинган сана: 12.12.2020.

дастурларнинг бугунги телевидениедаги ўрни ва аҳамияти уларнинг сони ва сифати юқорилиги билан белгиланади. Янгиликлар дастури самарадорлиги кўп жиҳатдан бошловчининг долзарб мавзуни танлаши, ижтимоий муаммони тўғри топиши, уни ифодалай олиши, нутқ маданияти, кадрда ўзини тутиши, сўз ва жумлаларни тўғри талаффуз этиши, телевизион имижини, аудитория билан самарали телемулоқот қилиш қобилияти, ахборот узатишдаги маҳорати, ҳатто кийиниш маданиятига боғлиқ. Мазкур диссертация айнан шу муаммолар тадқиқига бағишланган бўлиб, тадқиқотнинг долзарблиги телеижодкорнинг томошабинга таъсир кўрсатиши, талабчан аудитория эҳтиёжлари ошганлиги, телебошловчига қўйилаётган талаблар ва ягона профессионал стандартлар шаклланаётгани, маҳоратли бошловчиларни тайёрлашни такомиллаштириш зарурати билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони⁴, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон Қонуни⁵, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПҚ-3737-сон «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»⁶, 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги⁷ қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Информацион теледастурлар ва бошловчилар фаолиятининг ўзига хослиги бўйича Д.Браун, К.Ламэй, Э.Мицкевич, Д.Рид, Ч.Файерсгоун, Р.Энтман, Э.Дэннис,

⁴ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 07.02.2017 й.да қабул қилинган // <http://lex.uz/docs/3107036>

⁵ Жамоатчилик назорати тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 12.04.2020 й.да қабул қилинган // <http://lex.uz/docs/3679092>

⁶ Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 24.05.2018 й.да қабул қилинган // <http://lex.uz/docs/3748563>

⁷ Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 27.06.2019 й.да қабул қилинган // <https://lex.uz/docs/4390513>

Д.Мэррил, И.Фэнг каби хорижий олимларнинг тадқиқотлари эътиборга молик.⁸ Хусусан, К.Мелтзер телеянгиликлар бошловчиси призмаси орқали инфор­мацион дастурнинг анъанавий журналистика стандартлари ва амалиётига таъсирини тадқиқ қилган⁹.

Россия Федерациясида тележурналистика асослари ва технологияси, тележурналист фаолиятининг спецификаси ва профессионаллик шартлари, телевизион янгиликлар дастурини яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, телекоммуникация жараёнлари, телебошловчининг асосий компетенциялари, эфир олиб бориш маҳорати борасида қатор илмий адабиётлар яратилган.¹⁰ Жумладан, Д.Братышев, Ж.Караганова, Г.Перепечина ва И. Смирнова¹¹нинг номзодлик диссертациялари ўрганилган мавзуга бевосита алоқадор.

Ўзбекистонда А.Каримов, Ш. Ибрагимов, Ю.Ҳамдамов, И.Раҳматуллаева, Д.Тешабоева, П.Алламбергенова ва А.Каримовнинг¹²

⁸ Браун Д., Файерсгоун Ч., Мицкевич Э. Телерадионовости и меньшинства. — М., 1994; Ламэй К., Мицкевич Э., Файерсгоун Ч. Автономия телевидения и государство. — М., 1999; Энтман Р., Рид Д., Мицкевич Э., Файерсгоун Ч. Телевидение, радио и приватизация. — М., 1998; Дэннис Э., Мэррилл Д. Беседы о масс-медиа. — М., 1997; Теленовости: секреты журналистского мастерства. Реферат книги Ирвинга Фэнга «Теленовости. Радионовости». — М.: «Институт повышения квалификации работников телевидения и радиовещания», 1993.

⁹ Meltzer K. TV news anchors and journalistic tradition: how journalists adapt to technology. — New York.: Peter Lang Publishing, 2010.

¹⁰ Березин В. Теоретико-методологический анализ телевизионной коммуникации: сущность, структура: автореф. дис. ... д-ра филол. наук: — М.: ИПК работников телевидения и радиовещания, 2003; Богданов В. Речевое общение. Прагматические и семантические аспекты. — Л.: ЛГУ 1990; Борецкий Р., Кузнецов Г. Журналист ТВ: за кадром и в кадре. — М.: «Искусство», 1990; Борецкий Р. Осторожно, телевидение! — М.: «ИКАР», 2002; Винокур Т. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. — М., Наука, 1993; Гаймакова Б., Макарова С., Новикова В., Оссовская М. Мастерство эфирного выступления. — М.: «Аспект Пресс», 2004; Гаспарян В. Работа радиожурналиста (технология творчества): учебное пособие. — М.: ИПК работников ТВ и РВ, 2000; Голядкин Н. Телевизионная информация в США. — М.: ИПК работников ТВ и РВ, 1995; Гуревич П. Приключение имиджа. — М.: «Искусство», 1999; Дедов А. Технологии телевизионной журналистики: учебное пособие. — Курган: Изд-во Курганского гос. ун-та, 2017; Егоров В. Телевидение между прошлым и будущим. — М.: «Воскресенье», 1999; Зверева Н. Специфика деятельности регионального тележурналиста: дис. ... канд. филол. наук / Н.Зверева; Моск. ун-т. — М., 2002; Зверева Н. Школа регионального тележурналиста. М.: «Аспект Пресс», 2004. Кузнецов Г. Так работают журналисты ТВ. 2-е изд. перераб. — М.: Изд-во МГУ, 2002; Кузнецов Г. ТВ-журналистика: критерии профессионализма. — М.: «РИП-холдинг», 2002; Муратов С. Телевизионное общение в кадре и за кадром. — М.: «Аспект-пресс», 2007; Цвик В. Телевизионная журналистика: история, теория, практика. — М.: «Аспект-Пресс», 2004; Цвик В. Телевизионные новости России. — М.: «Аспект-Пресс», 2002; Цвик В. Телевизионная служба новостей. — М.: Изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2008.

¹¹ Братышев Д. Создание имиджа телевизионного ведущего (Технология моделирования персонализированного образа ведущего телевизионных программ): дис. ... канд. филол. наук: 10.01.10/ Д. Братышев. — М.: РГБ, 2002; Караганова Ж. Экранный образ телевизионного журналиста (Закономерности формирования): дис. ...канд.филол.наук:10.01.10/Ж.Караганова. — М., 2005; Перепечина Г. Экранный образ тележурналиста: Методика формирования: дис. ...канд. филол. наук: 10.01.10/ Г. Перепечина. — М., 1998; Смирнова И. Коммуникативная компетентность телеведущего: критерии эффективности речевого поведения: дис. ...канд.филол.наук:10.01.10/И. Смирнова. — М., 2016.

¹² Каримов А. Становление и развитие телевидения Узбекистана, 1957 – 1967 гг. — Т., 1971; Ибрагимов Ш. Производственно-экономическая проблематика на телевидении Узбекистана, 1986 – 1991 гг. — Т., 1993. Мирсоатова М. Малик Қаюмов ижоди ва кинопублицистикада маҳорат масалалари. Филол.фан.ном. ...дисс. авторефер. — Т., 2000; Раҳматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. — Т.: «Янги аср авлоди», 2005; Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фан.д-ри. ...дис.авторефер. — Т., 2012; Аллаамбергенова П. Қорақалпоғистон телевидениесининг жанрлари: мавзулар, журналистик ёндашув ва ривожланиш тамойиллари (2000–2006 йиллар): Филол.фан. ном.дис.авторефер. — Т., 2007; Каримов А. Телевидениенинг рекреатив вази­фаси (Ток – шоулар асосида): Филол. фан. ном. ... дис. авторефер. — Т., 2012.

тадқиқотларида телевидение тарихи, соҳага оид турли муаммолар, замонавий телевидение тилининг асосий хусусиятлари, ёшлар аудиториясига қаратилган теледастурларнинг ривожланиш жараёнлари, ТВнинг рекреатив вазифаси таҳлилга тортилган.

Ҳ.Саидов телерадио янгиликларининг ўзига хослиги ва тилдан фойдаланиш масалалари, А.Пардаев, Ф.Рўзиев, Х.Маҳамадалиев эса телевидениеда адабий тил меъёрларига риоя этиш, телебошловчилар нутқи каби муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилишган.¹³ «Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти» ўқув қўлланмасида телевидение муаммолари, жанрлар талаблари ва телебошловчи фаолияти ҳақида таҳлиллар берилган.¹⁴ Э.Фихтелиус радио ва телелавҳанинг драматургия қурилмаси муаммолари, журналист этикасининг муҳим жиҳатларини изоҳлаган.¹⁵

М.Жумаев, Д.Раҳмонов, К.Адашбоева каби тадқиқотчиларнинг туркум мақолаларида телебошловчиларнинг нутқ маданияти, имижини масалалари, репортёр сифатида ишлаш ва ахборот телекўрсатувининг олиб боровчиси мақомига эришиш тадрижи, тележурналистнинг ижодкорлиги, мавзу ва услуб танлашдаги маҳорати, кўрсатувларни тайёрлашдаги иштироки ҳақида фикр юритилган.¹⁶

Таҳлил натижаларига кўра, информацион теледастурнинг муҳим жиҳатлари, ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этишнинг амалий хусусиятлари, телевизион янгиликлар тараққиётини белгиловчи омиллар хусусида илмий изланишлар олиб борилган, аммо уларда телеянгиликларда бошловчининг ўрни, аҳамияти, маҳорати, ахборот етказувчининг позицияси, унинг имижини яратиш ва телевизион образни шакллантириш муаммолари махсус ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ № 5 рақамли «Глобаллашув даврида журналистика ва журналист кадрлар тайёрлаш муаммолари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади телеянгиликлар дастури бошловчисининг ўрни, роли, позицияси ва маҳоратини ҳамда ушбу нуқтаи назардан телекўрсатув рейтингини оширувчи мезонларни аниқлашдан иборат.

¹³ Саидов Ҳ. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати. — Т.: «Маърифат-мададкор», 2002. — Б. 24; Пардаев А., Рўзиев Ф., Маҳамадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. — Т.: «Истиклол», 2006. — Б. 14 – 16.

¹⁴ Репортёрлик фаолияти назарияси ва амалиёти. — Т.: «Университет», 2002. — Б. 103.

¹⁵ Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қоидаси. — Т.: «Шарқ», 2002. — Б. 121.

¹⁶ Жумаев М., Раҳмонов Д. Телебошловчи: у қандай савияга эга бўлиши керак? // Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари: II илмий-амалий семинар материаллари. — Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2013. — Б. 311 – 313; Адашбоева К. Телебошловчи ва унинг кўрсатувлардаги ўрни // Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари: II илмий-амалий семинар материаллари. — Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2013. — Б. 354 – 360.

Тадқиқотнинг вазифалари:

телебошловчининг телевидение тизимидаги ўрни, аҳамияти, унинг фаолияти эволюцияси ва коммуникаторлик хусусиятларини тадқиқ этиш; телеадресантнинг профессионал компетентлик мезонлари ва эфир олиб боришдаги муаммоларини аниқлаш;

телебошловчи имижини моделлаштириш бўйича ғарб олимларининг айрим нуқтаи назарларини изоҳлаш; экрандаги бошловчининг аудиовизуал образини, унинг кинетик, экстралингвистик ва лингвистик кодларни қўллаш маҳоратини назарий ва амалий таҳлил қилиш;

ахборот етказувчининг ижтимоий позицияси ифодаси ва омилларини баҳолаш; бошловчи орқали томошабин эътиборини телеянгликлар дастурига жалб қилиш механизмлари ва телемулоқот самарадорлигига эришиш усулларини ишлаб чиқиш;

турли дид ва дунёқарашга эга томошабинлар томонидан бошловчининг дастурни олиб бориш ва ахборот узатишдаги маҳоратини баҳолаш масаласи бўйича муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида давлат ва нодавлат телеканалларининг информацион дастурлари – «Ахборот 24», «Yangi davr», «Toshkent 24» ва «Zamon» ҳамда «Markaziy studiya» бошловчилари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бошловчининг ахборот узатишдаги маҳорати, унинг билими, нутқ маданияти, кадрда ўзини тутиш одоби, телевизион имижини, аудитория билан самарали телемулоқот қилиш қобилияти ва бошқалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий-қиёсий, илмий-назарий, мантқиқий-экспериментал, статистик, медиатаҳлил, социологик ва журналистик кузатув усулларида, суҳбат, интервью, ижтимоий сўровнома усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошловчилик фаолияти эволюциясида дикторлик, сухандонлик, коммуникаторлик каби босқичлар аниқланиб, ҳозирда унинг образини орқали аудиторияда янгилар дастурига қизиқишни уйғотиш вазифасини юклатилгани асосланган;

телебошловчининг шахси, мавзу ва йўналиши, экранда пайдо бўлишининг даврийлиги, томошабинда ижодий ходим ва экран рамзини сифатида таассурот қолдириши каби аудиториянинг бошловчи «экранга чиқишини кутиши»нинг мезонлари назарий жиҳатдан исботланган;

телебошловчи телеканалнинг маънавий ва маърифий даражасини ифода этувчи шахс бўлишида маълумотни самарали етказиш, адресантнинг фикрларини ва муносабатларини ўзгартириш борасидаги коммуникаторлик ҳамда касбий ва шахсий сифатларни амалиётда қўллаш кўникмасига эга бўлишида билим, теран тафаккур, қобилият, ҳозиржавоблик, самимийлик, камтаринлик каби профессионал компетентлик хусусиятлари далилланган;

давлат ва нодавлат телеканалларнинг тижорий фаолияти механизми шаклланиши натижасида бошловчига янгилар дастурининг рейтингини

ошириш қобилиятига эга бўлиш талабининг қўйилиши, унинг экрандаги фаолияти узлуксизлигининг таъминланиши, ихтисослашуви, телевизион имижни сақлаши «индивидуал бренд» даражасига етишишида асосий омиллар экани далилланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат ва нодавлат телеканалларида фаолият юритаётган янгиликлар дастури ҳамда уларнинг бошловчилари фаолияти типологик аспектда қиёсий ўрганилиб, телебошловчининг касбий компетенциялари таҳлиliga назарий ва амалий жиҳатдан тизимли ёндашган ҳолда информацион дастурни янада жонлантириш учун бошловчи фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ахборот етказувчининг кинетик, экстралингвистик, лингвистик кодларни қўллаш маҳорати лабораторияси очиб берилган ҳамда медиа муҳитда бошловчиларни саралаш, тайёрлаш, эфирга қўйиш, уларнинг экранда ишлаш механизмини ва фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган, 7 мезонга асосланган телебошловчилик институтини такомиллаштириш ва ривожлантириш модели ишлаб чиқилган;

телекоммуникаторнинг ўрни, роли ва маҳорати масалалари таҳлил қилиниб, янгиликлар кўрсатуви рейтингини оширувчи омиллар аниқланган ҳамда адресантнинг хабарни узатишдаги позицияси изоҳланган;

телеянгиликлар дастури бошловчилари фаолияти тил хусусиятлари, услуб ва маҳорат жиҳатидан тадқиқ қилиниб, бошловчи орқали томошабин эътиборини жалб қилишнинг механизмлари кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижа ва хулосаларнинг ишончлилиги уларнинг журналистика услубий ва назарий тамойилларига мувофиқлиги, кенг жамоатчилик ҳамда илмий жамоа томонидан тан олинган илмий изланишлар, асарлар назарий ҳамда методологик асос бўлиб хизмат қилганлиги, таҳлил жараёнида мантиқан асосланган методлар (анализ, синтез, қиёслаш)нинг қўлланилганлиги, жадвал-ҳисобот шаклидаги сўровнома усуллари асосида ишлаб чиқилган назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосалар, хорижий ва миллий медиа маконда Ўзбекистонда ахборот соҳасини такомиллаштиришнинг таркибий асослари ҳамда уларнинг ривожланиш тамойиллари ҳақидаги мавжуд назарияларни тўлдиради, телеянгиликлар дастурини тайёрлаш, эфирга узатиш ва ривожлантириш истиқболлари, миллатнинг маънавий қиёфасини ифодаловчи бошловчининг маҳорати ҳамда позициясини шакллантиришнинг назарий асосларини миллий ҳамда хорижий ОАВ фаолияти мисолида ўрганишнинг кенг имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Халқаро телерадио журналистика тизими», «Жаҳон журналистикаси асослари», «Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи», «Журналистик

ижод маҳорати асослари», «Телевидение ва радио бошловчи маҳорати», «Замонавий хорижий ОАВ» фанларини ва махсус курсларни ўқитишда ҳамда ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуа ёзишда, амалиётчи журналистлар учун услубий қўлланма ва тавсияномалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ўтишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Телеянгиликлар дастурида бошловчининг роли, маҳорати ва позициясини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

телебошловчининг эфир олиб бориш жараёнида кинетик ва лингвистик кодларни қўллаш маҳорати, холислик тамойилигига асосланган ижтимоий позицияни ифодалаш усуллари, ахборот етказишда инфотеймент стилининг самараси юзасидан олинган илмий натижалардан, тадқиқот доирасида ўтказилган ижтимоий ва онлайн сўровномалар натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» телерадиоканали томонидан эфирга узатиладиган «Yangi Davr» информацион дастурининг контенти сифатини оширишда қўлланилган (Ўзбекистон МТРКнинг 2020 йил 16 июлдаги 14-02-119-сон маълумотномаси). Натижада бошловчиларнинг маълумот етказиш усуллари ва мулоқот техникасини ривожлантириш, аудиториянинг қизиқишларини ўрганган ҳолда телелавҳаларни тақдим этиш ҳамда матн сифатини ошириш имконини берган;

телеянгиликлар дастури бошловчиси ижтимоий-маданий шароитларга мослашиш даражаси билан фарқланувчи телевидение вакили сифатида коммуникаторнинг янги типи экани, телемулоқот самарадорлигига эришиш усулларида фойдаланиш тамойиллари, жонли эфирда ишлаш имкониятлари дастур рейтингини ошириши юзасидан олинган илмий натижалардан, диссертациянинг амалий қисмида келтирилган таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Mahalla» телерадиоканали» ДУК томонидан тайёрланиладиган «Репортёр» информацион кўрсатувининг концепциясини ишлаб чиқиш ва сценарийсини ёзиш ҳамда дастурнинг анонси ва инфографик материалларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРКнинг 2019 йил 30 октябрдаги 01-18-159-сон маълумотномаси). Илмий натижалар фаолият олиб бораётган телебошловчиларнинг амалий касбий малакасини оширишга ёрдам берган;

вербал ва новербал хулқ-атворни намоён этувчи адабий тил меъёрларига амал қилиш, нутқдаги шева унсурларидан қочиш, ахборот тақдим этишда махсус терминларнинг изоҳини бериш каби илмий изланишлар юзасидан олинган амалий таклифлардан Олий Мажлис Сенати ва Хоразм вилоятида ташкил этилган минтақавий семинар-тренингларда фойдаланилган (Олий Мажлис Сенати Девонининг 2015 йил 29 октябрдаги 04/569-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда ахборот соҳасини халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилиш, юқори палатанинг аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида ҳар бир сенат аъзоси ва депутатнинг ташаббускорлиги, мунтазам изланиш олиб бориши юзасидан

билдирилган илмий-назарий фикрлар семинар-тренинг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган.

талабаларнинг бошловчи маҳорати бўйича билимларнинг назарий асосларини ўрганиши, студияда ишлаш кўникмасини ошириши, бошловчининг маҳорати муаммолари бўйича ечимлар қабул қилиш малакасига эга бўлиши юзасидан олинган илмий-назарий хулосалардан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ўқув жараёнида, хусусан, 2–А журналистика (телерадиожурналистика) йўналиши бўйича киритилган «Репортёрлик маҳорати», «Телерадиоканалларнинг Интернетдаги хизмати», «Телевидениеда муаллифлик кўрсатувларини тайёрлаш» каби фанларни ўқитиш тизимида фойдаланилган (Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 2021 йил 31 мартдаги 01-21-04/526-сон маълумотномаси). Илмий натижалар таълим сифатини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 13 та мақола, 5 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 151 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги бўйича маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **«Телебошловчи телевидение тизимида: унинг фаолияти эволюцияси ва коммуникаторлик хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида телебошловчи тушунчасининг моҳияти, диктор ва сухандонлар билан бир қаторда янгиликлар дастури бошловчиларининг эфирдаги фаолияти, замонавий телемахсулот тайёрлашдаги ўрни, унинг профессионал сифатлари атрофида тадқиқ этилган.

Замонавий телебошловчи ижтимоий-маданий шароитларга мослашиш даражаси билан фарқланувчи телевидение вакили сифатида коммуникаторнинг янги типи бўлиб гавдаланади. В.Матвеева ва И.Смирнова¹⁷нинг илмий ишларида телебошловчининг экрандаги образини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, телеқиёфанинг таъсири тадқиқ қилинган. Уларнинг эътирофича, бошловчининг шахсий фазилатлари томошабин, жамоа, умуман мамлакат имижини шакллантиришдаги таъсири катта. Н.Звереванинг ёзишича, «Профессионал бошловчи томошабин билан хотиржамлик ва ишонч билан реал вақт мобайнида мулоқот қилади.<...> У хабарни аудиторияга шундай етказадик, уни эшитиш осон ва ёқимли бўлади».¹⁸ Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда телебошловчи фаолиятининг турли функцияларини қуйидагича изоҳлаш мумкин (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал



Тадқиқотда телеянгилар бошловчисининг аудитория билан дастлабки мулоқотни ўрнатиш механизми таҳлил қилинган, шунингдек, унинг умумий образи, шахси, мавзу ва йўналиши, экранда пайдо бўлишининг даврийлиги, томошабинда ижодий ходим ва экран рамзи сифатида таассурот қолдириши каби аудиториянинг коммуникатор экранга чиқишини кутишининг потенциали методологик жиҳатдан асосланган. Хусусан, аудитория учун бошловчи:

- 1) телеканал қиёфаси;
- 2) ижодкор шахс;
- 3) индивид сифатида гавдаланади.

Диссертацияда телеянгилар дастури бошловчисининг шахсига алоҳида эътибор қаратилган, чунки у таниқли шахс сифатида кенг томошабинлар аудиториясига вербал ва новербал воситалар орқали таъсир кўрсатади; воқеа-ҳодисаларни ўзига хос тарзда талқин қилган ҳолда сиёсий фаол ва етук шахс сифатида ўз муносабатини билдиради. Шунингдек, илмий

¹⁷ Матвеева Л. Подростки и телевидение: установки, ожидания, предпочтения/Л. Матвеева//Вестник практической психологии образования, 2006. № 4. — С. 27 – 33.; Смирнова И. Коммуникативная компетентность телеведущего: критерии эффективности речевого поведения: дис. ...канд.филол.наук:10.01.10/И. Смирнова. — М., 2016. — С. 91.

¹⁸ Зверева Н. Школа регионального тележурналиста. — М.: «Аспект-Пресс», 2004. — С.221.

ишда давлат ва нодавлат телеканалларидаги инфор­мацион дастур бошловчиларининг ўрни ва аҳамияти, профессионал компетентлик мезонлари ва касбий фаолиятидаги муаммолари конкрет мисолларда асосланган. Хусусан, «Ахборот 24» дастури бошловчиларининг кўрсатувни тайёрлаш, иш тартибини тузишда иштирок этмаслиги, подводкаларни масъул муҳаррирларнинг ёзиши, мухбирлар занжир реакцияси асосида ишлаш механизмининг бузилганлиги бошловчилар фаолиятига, эфир олиб бориш маҳорати­га муайян маънода салбий таъсир кўрсатмоқда. «Yangi davr» дастурида баъзи бошловчиларнинг нутқи ва эфир олиб бориши талабга жавоб бермаслиги ҳамда профессионализм етишмаслиги кўзга ташланади. «Toshkent 24» дастурида эса инкрустациядан фойдаланиш ҳисобига бошловчининг эфир олиб бориш маҳорати чекланган: экранда бир қолипда туриб, янгилик етказиш, ортикча ҳаракат қилмаслик, долзарб мавзу доирасида суҳбатдошни студияга таклиф этолмаслик, кийиниш услубининг бир хиллиги, режиссура томонидан бошловчини йирик планда кўрсата олмаслик. «Markaziy studiya» дастури бошловчиларида ўткир ва сиёсий мавзуларни ёритишда салоҳият, тажриба ва профессионаллик етишмаслиги, сентименталистик қарашлар мавжудлиги, кўп ҳолларда улар нутқида тавтология, ғализ жумлалар учраши, подводкаларнинг таҳрир қилинмаганлиги каби ҳолатлар учрайди. «Zamon» дастурида бошловчилар подводка­сига креатив ёндашилса-да, баъзи ҳолларда мухбирнинг телелавҳасидаги гапларни сўзма-сўз кўчириб олиш ва такрорланишлар учра­шини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотда давлат ва нодавлат телеканалларнинг инфор­мацион дастурларида аёл ва эркак бошловчилар сони бўйича статистик маълумотлар (2020-2021 йй.) келтирилган (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

№	Давлат ва нодавлат телеканалларнинг номи	Эркак бошловчилар	Аёл бошловчилар
1.	«O'zbekiston 24» телеканали «Ахборот 24» дастури (ўзбек тилидаги сони)	4	1
2.	«O'zbekiston 24» телеканали «Ахборот 24» дастури (рус тилидаги сони)	2	3
3.	«O'zbekiston 24» телеканали «Yangiliklar 24» дастури (ўзбек тилидаги сони)	6	6
4.	«O'zbekiston 24» телеканали «Yangiliklar 24» дастури (рус тилидаги сони)	1	5
5.	«Yoshlar» телеканали «Yangi davr» инфор­мацион дастури	3	5
6.	«Toshkent» телеканали «Toshkent 24» дастури (ўзбек тилидаги сони)	2	4
7.	«Toshkent» телеканали «Toshkent 24» дастури (рус тилидаги сони)	1	2
8.	«Mening yurtim» телеканали «Markaziy studiya» дастури	2	0
9.	«Sevimli» телеканали «Zamon» дастури	3	3

Юқорида тақдим этилган маълумотларга кўра, айрим ахборот дастурларида гендер тенглик таъминланган, айримларида эса бу масалага жиддий эътибор қаратилмаган. Дунё ТВни кузатиб, шуни таъкидлаш мумкинки, телеянгилар дастурини аёллар ҳам, эркеклар ҳам олиб боради. BBC, CNN, NHK, CCTV телеканалларида гендер масаласи бўйича мутаносибликни таъминлашга аҳамият берилган.

Илмий ишда миллатнинг маънавий ва маърифий даражаси ҳақида тасаввур уйғотувчи телебошловчининг дастурдаги иштироки, эфир олиб боришининг ўзига хос жиҳатлари хорижий янгилар кўрсатувлари мисолида ҳам кўриб чиқилган. Жумладан, «MBN news» дастурида бир-бирига ўхшаш телебошловчилар ахборотни тақдим этади. Улардан бири Ким Жуха сунъий интеллект бўлиб, уни ҳақиқий бошловчидан фарқлаб бўлмайди. Ушбу янги технология идеал мимика ва суҳбат қилиш имконига эга.¹⁹ Японияда эса 2012 йилдан бери информацион кўрсатувда робот бошловчи ишлайди ва у матнни хатосиз, бир оҳангда ва табиий кўл ҳаракатлари билан ўқийди. Аммо инсон қиёфасидаги ушбу робот хабарни ҳеч қандай ҳис-туйғуларсиз оммага етказди.²⁰ Шимолий Корея телеянгилар дастурида пенсия ёшидаги бошловчилардан янгиларни, айниқса муваффақиятли ҳарбий синовлар тўғрисидаги ахборотни ўқишда фойдаланилади.²¹ Россиядаги «Новости», «Время», «Вести», «Сегодня», «Россия 24» каби телеянгилар кўрсатувларини олиб боришда профессионал, тажрибали бошловчиларга мурожаат қилинади, бу кўрсатувларни тандемда – аёл ва эркек бошловчилар турли қочирим иборалар, киноя ва истехзолар билан олиб боришади, воқеаларнинг асл моҳиятини ёритишда жиддий журналистик таҳлил акс этади. Америкалик телебошловчиларнинг ишлаш услуби эркинлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Телекоммуникатор кўрсатув тайёрлашнинг барча босқичларида ҳал қилувчи омил саналади. Тўпланган эмпирик материаллар ва кузатувлар асосида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат аудитория эътиборини тортишнинг, мультимедиа контентини яратишнинг турли усулларида фойдаланади ва бошловчилар миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда янгилар дастурининг спикери сифатида эфир олиб боради.

Илмий тадқиқот доирасида 2017-2019 йиллари ижтимоий сўров ўтказилган. Сўровда Тошкент шаҳридаги 1000 нафардан зиёд шахснинг фикри ўрганилди. Респондентларнинг 31 фоизи – олий, 19 фоизи – тугалланмаган олий, 30 фоизи – ўрта техник, 15 фоизи – ўрта махсус, 11 фоизи – ўрта, 4 фоизи – тугалланмаган ўрта маълумотга эга. Жамоатчилик фикрини мониторинг қилишда шу аён бўлдики, тадқиқот иштирокчиларининг 85% «Ахборот 24», «Yangi davr», «Zamon» ва «Markaziy studiya» телеянгилар дастурини мунтазам кузатиб боради, лекин кўпроқ «Ахборот

¹⁹ <https://www.belta.by/kaleidoscope/view/telekanal-v-juzhnoj-korei-predstavil-416501-2020/> Мурожаат қилинган сана: 23.10.2020.

²⁰ Ленин А. В Японии появился робот-ведущий новостей// 25.06.2014

<https://www.google.ru/amp/s/rg.ru/amp2014/06/25/robot-site-anons.html> Мурожаат қилинган сана: 07.03.2020

²¹ <https://www.youtube.com/watch?v=jaxd6fRscNg> Мурожаат қилинган сана: 05.09.2017.

24» дастурига ишонади. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 60 фоизини Ўзбекистон телевидениесининг ахборот дастурлари бошловчилари у қадар қониқтирмайди. Томошабинларнинг фикрича, бошловчилар ўз мавзуларини яхши билмайди. Сўров натижаларига қараганда, респондентларни Дилдора Рустамова, Жамшид Умрзоқов, Шаҳноза Усмонова, Саида Давлетова, Ареват Григорян, Жаҳонгир Олимов каби бошловчилар қониқтиради.

Диссертациянинг «**Экран тасвирида бошловчининг лисоний аудиовизуал образи**» деб номланган иккинчи бобда экран тасвири, бошловчининг телевизион имижи, кинетик, экстралингвистик ва лингвистик кодларни қўллаш маҳорати тадқиқ қилинган. Ҳар қандай бошловчининг аудиовизуал образи унинг кийиниш маданияти, экранда ўзини тутиш одоби, хатти-ҳаракати, аудитория билан мулоқоти, ёқимли овози ва нутқига қараб белгиланади. Томошабин ўз билими, савияси, дунёқараши, тафаккури ва ижтимоий мавқеи асосида телеқиёфанинг кўрсатувни олиб бориш маҳоратига, унинг етказаетган хабарига баҳо беради, фикр-мулоҳаза билдиради. Венгриялик руҳшунос Б.Буданинг таъкидича²², аудиториянинг аёллар қисми эркак телебошловчиларни соч ранги, юз тузилиши, кўз ва қўл шаклига қараб баҳолайдилар. Эркакларни эса аёл бошловчиларнинг динамикаси, яъни ўзгаришлар, жўшқинлик, ҳаракат қизиқтиради: уларни кўпроқ юз ифода, имо-ишора, маъноли ва нафис ҳаракатлар ҳамда уларнинг узвий боғлиқлиги жалб қилади.

Телебошловчи учун имиж устида ишлаш касбнинг муайян қисми ва коммуникатив компетентликни оширишнинг воситаси саналади. Телебошловчи телеканалнинг индивидуал бренди (инглизча brand – корхонанинг савдо маркаси), индивидуал бренд эса телеканал маҳсулотини тайёрлашда фойдаланиладиган медиатовар саналади. Бошловчининг ахборот дастурларининг асосий сонларини доимий олиб бориши, унинг ихтисослашуви, ўз имижини сақлаши – индивидуал бренд даражасига чиқишнинг омиллари саналади.

Тадқиқот ишида телеянгилликлар дастури бошловчисининг фаолиятига дахлдор ва бевосита имижига таъсир кўрсатувчи бир қанча стереотиплар ҳам таҳлилга тортилган. Масалан, ахборот тарқатувчи жиддий киёфада (кийиниш услуги ва юз ифодаси) ва расмий бўлиши керак, деган қараш мавжуд. Аммо ушбу стереотипга маълум маънода қўшилмаймиз. Дилдора Рустамова «Ахборот 24» дастурини олиб борганида фақат классик услубда (пиджак, костюм, блузка) кийинар ва қатъий оҳангда хабарларни етказарди. Ҳозирда «Zamon» информатсион дастуридаги фаолиятини тамомила бошқа амплуада кўриш мумкин.

Информатсион дастур бошловчиси ёш бўлмаслиги ҳақидаги стереотип илгари сурилади. «Zamon» ва «Markaziy studiya» нодавлат ахборот

²² Сергеева Н., Яковлева В. Иноязычное профессионально-ориентированное аудирование в системе профессионального образования: современные средства и методы [Текст]: монография / Н. Сергеева, В. Яковлева; Урал. гос. пед. ун-т. — Екатеринбург, 2012. — С.22-23.

дастурлари бунга амал қилмаслигини ёш бошловчилар тимсолида кўриш мумкин. Давлат телеканалларининг инфор­мацион дастурлари – «Ахборот 24», «Ҳанги давр», «Тoшкент 24» бошловчилари ҳам «ёшариб» боряпти. Давлат ва нодавлат телеканаллари инфор­мацион дастури бошловчиларининг ёш спецификаси қиёсий таҳлил қилинган (1-диаграммага қаранг):





Диаграмма натижаларига кўра, аксарият бошловчиларнинг ёши 30 дан юқори, жумладан, 35 фоизи 20-29 ёш, 60 фоизи 30-39 ёш, 5 фоизи 40-49 ёш оралиғида. 50-59 ёш оралиғидаги бошловчилар йўқ.

Қиёсий таҳлил сифатида АҚШ ва Хитой телеканаллари янгиликлар дастурлари бошловчилари²³ келтирилган (2-диаграммага қаранг):



Ушбу диаграммага асосланиб айтиш мумкинки, америкалик бошловчиларга нисбатан хитойлик бошловчилар ёшроқ. ХХР телебошловчиларининг ўртача ёши – 42, АҚШ телебошловчиларининг ўртача ёши эса 53. Диаграммалар(1-, 2-диаграмма)нинг контент-таҳлили шуни

²³ <http://jf.spbu.ru/magistracy/5576/5646.html>. Мурожаат қилинган сана: 20.01.2021.

кўрсатадики, миллий ва хорижий инфор­мацион дастур бошловчилари ёши ўртасида сезиларли даражада тафовут мавжуд.

Телебошловчи олий маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида ҳам қарашлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан бошловчиларнинг маълумотлилик даражаси ҳақида статистик маълумотлар келтирилган (3-диаграммага қаранг):

3-диаграмма




Диаграмма натижаларига мувофиқ, телебошловчиларнинг аксарияти бакалавр даражасига, жумладан 15 фоизи ўрта махсус, 60 фоизи тугалланмаган олий, 25 фоизи олий маълумотга эга.

Тил воситаларининг бошловчи ва у олиб бораётган кўрсатув нуфузида қанчалик самара бериши, олиб чиқилган мавзу, кўтарилган муаммонинг долзарблигини ошириш, кўрсатув олди­га қўйилган саволларга ечим топиш усуллари, аудиториянинг хабарни қабул қилиши учун қайси тил ифодаларидан фойдаланиш кераклиги таҳлил қилинган.

Томошабин бошловчининг етказаётган хабарини англаш учун биринчи навбатда унинг хатти-ҳаракатларига эътибор қаратади. Жамоатчиликка юзланадиган шахснинг имо-ишораси орқали етказаётган гапига муносабатни билдиради. Ўз навбатида тана аъзоларининг ҳаракати таъсир кўрсатиш доирасини кенгайтиради, аудиторияда эмоционал кайфиятни уйғотади, шу боис бошловчидан коммуникация техникасининг новербал компонентларини тўлиқ билиши талаб этилади. Россиялик машҳур бошловчи Петр Толстой «Парламентская газета»си мухбирига интервьюсида шундай деган эди: «Мен «Воскресное время» дастурини илк маротаба олиб борганимда, тасвирчи қаддимни тик тутиб ўтиришим кераклигини айтганди. «Нима учун?» – деб сўраганимда, у «Сизнинг қадди-қоматингиз мамлакатнинг кайфиятини ифода­лайди», – деб жавоб берганди.»²⁴ Бошловчининг эфирни дадиллик билан олиб бориши, аудиторияни ишонтира олиши, ишга бўлган масъулияти муайян маънода гавданинг ҳолатига боғлиқ.

²⁴Дорофеев Н. Осанка телеведущего — это настроение страны. <https://www.pnp.ru/politics/osanka-televedishhego-eto-nastroenie-strany.html> Мурожаат қилинган сана: 20.01.2021.

Телебошловчининг нутқ маданияти, овози янгиликнинг қимматини оширишга хизмат қилади. Овознинг таъсирчан кучи ва унинг инсон руҳиятига таъсир этиш имкониятларини рад этиб бўлмайди. Овознинг нотўғри қўйилиши, товушнинг паст-баландлиги ахборотни етказишда тўсқинлик қилиши мумкин. Шунингдек, телекоммуникаторнинг адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда кўрсатув олиб бориши, давлат тилининг бой имкониятларидан моҳирона фойдаланиш орқали таъсирчанликка эришиши, бошловчи матн ёзаётганда профессионал методларни қўллаши каби омиллар кўрсатув муваффақиятини белгилаб бериши асосланган. Шу асосда хабар аудиторияни қизиқтириши, янгиликни муваффақиятли бошлаш усули борасидаги тавсиялар ҳам кўрсатилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Бошловчи ва телеэкран орқали мулоқот**» деб номланади. Унда мулоқот қилишнинг ўзига хослиги ва усуллари амалиётга таянилган, ахборот етказувчининг ижтимоий позицияси назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Жумладан, А.Новикованинг «Телевидение и театр: пересечения закономерностей» монографиясида «ижтимоий ниқоб» концепцияси²⁵ илгари сурилган. Муаллифнинг фикрича, «ижтимоий ниқоб» ўз қарашлари ва аудитория билан мулоқот қилиш услубига эга бошловчининг муайян типи сифатида жамоатчилик фикрини ифодалашга даъвогарлик қилади. «Ижтимоий ниқоб»ни шакллантиришнинг зарур шarti, биринчидан, телеэкранда бошловчининг доимий пайдо бўлиши, иккинчидан, ижтимоий позициясининг давомийлиги. «Мастерство эфирного выступления» китобида келтирилишича, телеянгиликлар дастурида шахсий фикрнинг бўлиши мумкин эмаслиги бутун дунёда қабул қилинган.²⁶ Олим Стэн Ли Ройнинг бу борадаги фикрлари қуйидагича: «Яхши журналист лавҳага ўз фикрини, нуқтаи назарини билдирмасликка ҳаракат қилади ва информацияни ҳар томонлама ҳаққонийлигини, аниқлигини ва холислигини кўрсатади.»²⁷

АҚШ телевидениесига машҳурлик трансформатори ва «юлдуз»лар ишлаб чиқарувчи восита сифатида қаралади. Мазкур ТВда бошловчининг машҳурлик даражаси, куч-қудрати, унинг илк бор жамоат арбоби сифатида тан олинishiга 1982 йилдаги воқеа сабаб бўлади. Ўшанда мамлакат президенти Роналд Рейган CBS телеканалидаги янгиликлар дастурини томоша қилиб, бошловчининг маҳоратига тан берганди.²⁸ Тадқиқотда телебошловчининг ахборот етказишдаги позицияси эмпирик манбалар асосида баён этилган, хусусан, «Mening yurtim» телеканалининг «Markaziy studiya» ва «Yoshlar» телеканалининг «Yangi davr» инфорацион дастурларидаги бошловчиларнинг ёндашуви, нуқтаи назари изчил таҳлил қилинган.

²⁵ Новикова А. Телевидение и театр: пересечения закономерностей. — М., 2004. — С. 79.

²⁶ Верхолюмова Е., Гаймакова Б., Иванова И., Макарова С., Никитина Е., Оссовская М. Мастерство эфирного выступления. Учебное пособие. — М.: Академия медиаиндустрии, 2014. — С. 58.

²⁷ Stan Le Roy Wilson. Mass Media/ Mass Culture.: New York, Mc Grow . — Hill Inc, 1992, — P.174.

²⁸ Руцкая С. Слава и «звезды» американской и российской тележурналистики: «слава» как понятие и психофеномен//Электронный научный журнал «Медиаскоп», №2. 2009.

Айрим тажрибали тележурналистларнинг таъкидлашича, янги технологиялар ривожлангани сайин янгиликлар бошловчилари институти батамом тугатилади. «Телебошловчилар бўлмайди. Томошабинларда вақт ҳам, хошиш ҳам бўлмайди. Улар ўзига керак бўлган янгиликни ҳар қандай кўринишда олиш имконига эга бўлишади», – дейди CNN президенти Жонатан Клейн.²⁹Аммо телебошловчилик институтига ҳар доим эҳтиёж сезилади, чунки аудитория бошловчининг воқеа-ҳодисани қай тарзда етказаётганига, унга билдираётган муносабатини, нуқтаи назарини билишга қизиқади. Шу маънода тадқиқотда телебошловчилик институтини такомиллаштириш ва ривожлантириш модели ишлаб чиқилди:

биринчидан, бошловчиларни саралаш, тайёрлаш, эфирга қўйиш ва уларнинг экранда ишлаш механизмини қайта такомиллаштириш зарур. Бу борада «ABC news», «NBC news», «CNN Newsroom», «BBC World news», «France 24», «TG1», «Время», «Вести» каби хорижий информацион дастурлар тажрибасини ўрганиш, яъни тажриба алмашиш керак;

иккинчидан, хорижий давлатлар, хусусан, Россияда кўрсатувларнинг ҳафталик рейтинги, қанча томошабинига эга эканини белгилаб берадиган «TNS Россия» агентлиги каби юртимизда ҳам телеаудиторияни ўрганадиган Ўзбекистон Миллий медиа кенгаши фаолият кўрсатади. Мазкур кенгаш билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, онлайн сўровномалар ўтказадиган Интернет сайтлари натижаларидан унумли фойдаланиш лозим;

учинчидан, жамоатчиликка юзланадиган шахснинг самарали фаолият юритиши унинг машҳурлик даражаси билан эмас, балки у олиб бораётган кўрсатувни қанча томошабин кўраётгани, аудиториянинг унга муносабати билан белгиланади. Бошловчининг ўз фаолияти давомида эришган мавқеи, машҳурлиги кўрсатувнинг оммабоплигини таъминлай олмаса, аудиторияни қизиқтирадиган, талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган тамомила янги информацион кўрсатувни очиш мақсадга мувофиқ;

